
Қува туман ҳокимлигида навбатдаги китобхонлик куни бўлиб ўтди.

Қува туманида ҳафтанинг ҳар шанбе куни корхона, ташкилот ва муассасаларда “Китобхонлик” куни деб эълон қилиниб, бунда ташкилот ва корхона ҳодимлари ҳафта давомида ўзлари ўқиган китоблари ҳақида фикр алмашмоқдалар.

Шу муносабат билан туман ҳокимлиги аппарат ҳодимлари иштирокида навбатдаги китобхонлик куни бўлиб ўтди. Унду туман ҳокимлиги ҳодимлари ҳафта давомида ўзлари ўқиган китоблар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар.

Туман ҳокимининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчиси Маҳмудахон Ботирова Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон Стратегияси» номли китоби ҳақида тақдимот ўтказди.

Унда Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни қуриш бўйича қилинаётган ишлар ва миллий тараққиёт истиқболлари ҳамда ушбу китобда Янги Ўзбекистонни ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш борасида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва ислоҳотларнинг мақсади, мазмун-моҳияти ҳамда устувор йўналишлари, миллий тараққиёт истиқболлари ҳақида фикр юритилди.

2022-03-05 15:54:50